**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий суди**
**Верховный суд**
**Республики Узбекистан**

OSM51000264464

Отправитель: Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Адрес: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1

Получатель: "AKMAL NABIRA" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
Олимлар МФЙ, Мўмино кўчаси 11-уй 20-хонадон
г.Ташкент М. Улугбек тумани

| | |
|---|---|
| Суд ҳужжатининг рақами/Номер судебного документа | 5-1001-2312/957 |
| Суд ҳужжати санаси/Дата судебного документа | 07.10.2023 |
| Суд ҳужжати тури/Тип судебного документа | Ажрим (кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисида) |
| Варақлар сони/Количесто страниц | 2 |
| Суд номи/Наименование суда | Ўзбекистон Республикаси Олий суди |
| Суд манзили/Адрес суда | Олимлар МФЙ, Мўмино кўчаси 11-уй 20-хонадон |
| Суд ҳужжати юборилган сана/Дата отправки судебного документа | 2023-10-07T11:25:14.925Z |
| Почта реестр рақами/Номер почтового реестра | |

# А Ж Р И М

*(Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисида)*

2023 йил 5 октябрь 5-1001-2312/957-сонли иш Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Ш.Болиев аризачилар Т.Хамидов ва бошқалар томонидан Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 8 майдаги ҳал қилув қарори ҳамда Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 19 июндаги қароридан норози бўлиб келтирилган кассация шикоятини ўрганиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М:

Аризачилар Т.Хамидов ва бошқалар судга ариза билан мурожаат қилишиб, жавобгар Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 18 ноябрдаги 1639-сонли қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топишни сўраганлар.

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 8 майдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг
2023 йил 19 июндаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳужжатларидан норози бўлиб, аризачилар Т.Хамидов ва бошқалар кассация шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилган.

Қайд этилганларга кўра, кассация шикоятини суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш лозим топилади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг $234^1$-моддасига асосланиб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Аризачилар Т.Хамидов ва бошқаларнинг кассация шикояти бўйича ишни суд муҳокамасида кўриш чиқиш 2023 йил 20 октябрь куни соат
15.00 га тайинлансин.

Суд мажлиси Тошкент шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносининг 4-суд мажлиси залида кўриб чиқилиши белгилансин.

Тарафлар ўз вакилларини суд мажлисига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан қатнашишларини таъминласин.

**Олий суд суьяси** **Ш.О. Болиев**